

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МУДДАТЛИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Бойқобилова Ирода Жонтемир қизи “Бошқа тармоқларда бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация:** Тижорат банкларининг муддатли валюта операциялари даромадлилигини оширишнинг долзарб масалаларидан бири улар бўйича аниқланадиган реализация қилинмаган зарарлар суммасининг ўсиб боришига йўл қўймаслик ҳисобланади.

**Аннотация:** Одним из актуальных вопросов повышения доходности срочных валютных операций коммерческих банков является недопущение увеличения размера определяемых по ним нереализованных убытков.

**Abstract:** One of the topical issues of increasing the profitability of urgent foreign exchange transactions of commercial banks is to prevent an increase in the amount of unrealized losses determined by them.

**Калит сўзлар:** Форвард, спот курси, валюта операциялар, кредитлар, депозитлар, фойда, зарар.

**Ключевые слова:** Форвард, курс спот, валютные операции, кредиты, депозиты, прибыль, убыток.

**Key words:** Forward, spot rate, foreign exchange transactions, loans, deposits, profit, loss.

Муддати тугамаган шартномалар бўйича форвард сотиб олиш курсининг спот курсидан юқори бўлиши ушбу форвард шартномаси бўйича реализация қилинмаган зарарнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Миллий валютанинг алмашув курсини пасайиш тенденцияси давом этаётган шароитда муддатли валюта операциялари бўйича, яъни республикамиз банк амалиётида форвард операциялари бўйича валюта курсларини аниқлашда хатоликка йўл қўйилиши тижорат банкларида реализация қилинмаган зарарлар суммасини кескин ошишига олиб келади.

Реализация қилинмаган фойда ва зарар ўртасидаги нисбатни доимий тарзда таҳлил қилиб бориш натижасида банкнинг форвард курсларини тўғри танлаётганлиги хусусида ҳамда кредитлар ва депозитларнинг фоиз ставкаларининг ўзгариши хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар суммаси балансдан чиқариб ташлангандан кейингина форвард операциялари бўйича ҳақиқий фойда ва зарар аниқланади.

ТИФ Миллий банкида 2020-2022 йиллар мобайнида реализация

килинмаган зарар сўммаси сезиларли даражада ўсди. Бу эса, банкнинг форвард операцияларининг умумий самарадорлик даражасини паст эканлигидан далолат беради.

Миллий валютанинг алмашув курсини пасайиш тенденцияси давом этаётган шароитда муддатли валюта операциялари бўйича, яъни республикамиз банк амалиётида форвард операциялари бўйича валюта курсларини аниқлашда хатоликка йўл қўйилиши тижорат банкларида каналлизация килинмаган зарарлар суммасини кескин ошишига олиб келади.

2020-2023 йиллар мобайнида Миллий банкда реализация килинмаган 1ойла суммаси ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ўсиш суръати сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг келгусида муддати келадиган форвард шартномалари бўйича фойда олиш имкониятини юқори эканлигидан далолат беради. Айниқса, 2003-2005 йиллар мобайнида банкнинг реализация қилинмаган фойда суммаси юқори даражада, яъни 179,8 фоизга ўсди. Ушбу ўсишнинг асосий сабаби сумнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсини сезиларли даражада пасайиши ҳисобланади. 2020-2023 йилларда мамлакатимизда валюта бозорини янада эркинлаштирилиши муносабати билан миллий валютанинг алмашув курсини сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Реализация қилинмаган фойда ва зарар ўртасидаги нисбатни доимий тарзда таҳлил қилиб бориш натижасида банкнинг форвард курсларини тўғри танлаётганлиги хусусида ҳамда кредитлар ва депозитларнинг фоиз ставкаларининг ўзгариши хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Реализация қилинмаган фойда суммасини банкнинг балансидан чиқариб ташлаш учун 45405-ҳисобрақами дебетланади, 16901-ҳисобрақам эса, кредитланади. Реализация қилинмаган зарар суммасини банкнинг балансидан чиқариб ташлаш учун 22802-ҳисобрақам дебетланади, 55306-ҳисобрақам эса, кредитланади. Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар суммаси балансдан чиқариб ташлангандан кейингина форвард операциялари бўйича ҳақиқий фойда ва зарар аниқланади.

Муддатли валюта операцияларининг иккинчи шакли валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар ҳисобланади. Ушбу операцияларни амалга оширишда асосий эътибор бухгалтерия ўтказмаларини тўғри расмийлаштирилганлигига, операцияларнинг даромадлигига ва мазкур операциялардан кўрилган зарарларни баҳолашга қаратилади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари томонидан берилган кол опционлар алоҳида, пут опционлар алоҳида баҳоланади. Лекин Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг амалиётида валюта опционлари ва валюта фючерслари билан амалга

ошириладиган операциялар мавжуд эмас.

Муддатли валюта операциялари даромадлигининг барқарорлигини таъминлашда тижорат банкининг ҳар бир валютадаги очик валюта позицияларининг норматив даражасини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, муддатли валюта операцияларининг риск даражаси юқори бўлиб, халқаро Базел кўмитасининг активларини рискка тортиш шкаласи бўйича 100 фоизга тенг; иккинчидан, киска ёки узун позиция йирик миқдорда сакланиб қолганд баҳоловчи валютанинг битам валютасига нисбатан алмашув курсининг ўзгариши тижорат банкининг балансида йирик миқдорда зарарниш юзага келишига сабаб бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Пўлатов, Х. Ў., & Абдугаппаров, Ш. А. (2022). БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИДА ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ ХИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. Экономика и социум, (5-1 (96)), 593-596.
2. Пўлатов, Х. Ў., & Абдурасулов, Ж. А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХИСОБИНИ АЙРИМ МАСАЛЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (92)), 679-682.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (4-2 (83)), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ТУРЛИ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (84)), 186-189.